

Нега Аллоҳни кўриб бўлмайди?



13:06 / 04.11.2018 4124

Савол: Нега Аллоҳни кўриб бўлмайди?

Жавоб: 1. Маълумки дунё ҳаёти имтиҳондир. Аллоҳ ва расули берган хабарларга ишониш ва амал қилиш билан инсон имтиҳондан муваффақиятли ўтади. Агар Аллоҳ ўзини кўрсатса, имтиҳоннинг маъноси қолмасди. Зеро, ғайбга иймон келтириш мўминнинг сифатларидан биридир.

2. Келинг, микрооламга (ўта кичкина жисмлар оламига) назар солайлик. Баданимизда миллионлаб микроб ва бактериялар бўлиб, биз уларни кичкиналиги сабаб кўролмаймиз. Ўша бактериялар ҳам катталигимиз сабабли бизга ихота қилолмайди, яъни бутунлай қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам бизни кўришдан ожиздир.

Энди макрооламга (ўта катта жисмлар оламига) назар солайлик. Энг замонавий телескоп ёрдамида узоқ-узоқ космосдаги юлдуз ва сайёраларни кўришимиз мумкин. Лекин уларнинг орқа томонини, бутун борлигини кўролмаймиз, чунки уларни мукамал қамраб, ихота қилолмаймиз. Биз микрооламдаги бактериялар мисоли фақатгина қаршимизда турган, ўзимизни қамраб, ихота қилган нарсаларнигина кўра оламиз. Микроолам ва макрооламни кўришдан ожиз эканмиз, қандай қилиб уларнинг Яратувчисини кўра олайлик.

3. “Кўринмаган нарса мавжуд эмас”, деган фикр нотўғридир. Чунки кўп нарсаларни инсон илғамайди, лекин борлигига ишонади. Масалан, ток, ҳаво, электронлар ҳаракати ва ҳ.к.

Сутнинг таркибида ёғ, қаймоқ бор, биз уларни равшан кўрмаймиз, лекин борлигига ишонамиз.

Инсон Аллоҳнинг борлигини ҳис қилади, қалби билан сезади. Ичида унга ёлвориш истаги бўлади.

Инсон қуёшга қараса, кўзи қамашиб, нигоҳини буради. Қуёшни кўролмаса, унинг Яратувчисини қандай қилиб кўрсин?!

4. Инсоннинг бешта ҳис органи мавжуд: ҳид билиш, таъм билиш, кўриш, эшитиш ва ушлаб сезиш. Бу органларнинг сезиш, идрок қилиш кучи чекланган бўлиб, барча жонзотларда турличадир. Масалан, итнинг ҳид билиш, эшитиш ҳисси инсонникидан бир неча баробар устундир. Чегарачилар гиёҳванд моддаларни ўтказувчиларни ушлашда итлардан фойдаланишади. Чунки инсон юк ичида гиёҳванд модда борлигини, унинг ҳидини сезмайди. Ит бўлса сезиб, дарров хабар беради. Демак, инсон “Мен сезмаган нарса мавжуд эмас”, деб айтолмайди.

Бургутларнинг кўриш қобилияти ўта кучли бўлади. Узоқ масофадан инсон кўрмаган нарсани кўролади. Демак, инсон “Мен кўрмаган нарса мавжуд эмас”, деб даъво қилолмайди.

5. Инсон: “Фақат ҳис органларим билан идрок қилган нарсага ишонаман”, – дейди. Ҳолбуки бу органлар кўпинча хато маълумот беради.

Кўз сувга солиб қўйилган тўғри таёқни қийшиқ кўради.

Кўзда касаллик бўлса: бир рангни бошқача кўради; бир нарсани иккита кўради.

Гоҳида бир нарсанинг шаклига қараб бошқа нарсани кўради.

Баъзида асаб тизими ишдан чиққанидан, бадани куйганини ҳам сезмайди.

Шамоллаганда ҳидни сезмай қолади. касал пайтида таъм билмай, мазали нарса ҳам бемаза туюлади.

Касаллик сабабли бошқалар эшитмаган шовқинларни эшитади, бошқалар эшитган овозни эшитмайди.

6. Инсон ўзининг бешта ҳис органи билан коинотдаги жисмларни идрок қилолади. Аллоҳ эса коинотдан ташқаридадирки, **“Унга ўхшаган бирон нарса йўқдир”**. Кўз коинот жисмларидан бошқа нарсани кўришга мўлжалланмаган. Шунинг учун коинотнинг Яратувчисини кўролмайди.

“Соғлом эътиқод - мўминга нажот” китобидан